

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМий - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРСАИДОВА УМИДА АКМАЛОВНА

**АКТГ ГА БОҒЛИҚ КУШИНГ СИНДРОМИ ҚАЙТАЛАНИШИНИНГ
КЛИНИК-ГОРМОНАЛ АСПЕКТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирсаидова Умида Акмаловна

АКТГ га боғлиқ Кушинг синдроми қайталанишининг клиник-
гормонал аспектиларини оптималлаштириш..... 3

Мирсаидова Умида Акмаловна

Оптимизация клинико-гормональных аспектов рецидивирования
АКТГ-зависимого синдрома Кушинга..... 25

Mirsaidova Umida Akmalovna

Optimization of clinical and hormonal aspects of release of ACTH-
dependent Cushing syndrome..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРСАИДОВА УМИДА АКМАЛОВНА

**АКТГ ГА БОҒЛИҚ КУШИНГ СИНДРОМИ ҚАЙТАЛАНИШИНИНГ
КЛИНИК-ГОРМОНАЛ АСПЕКТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Tib1035 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси акад. Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халимова Замира Юсуфовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нажмутдинова Дилором Қамартдиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Маҳкамов Козим Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

С.И. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. АКТГга боғлиқ Кушинг синдроми (АКТГ-БКС) бугунги кунда кортизол гиперсекрециясининг зарарли таъсирдан келиб чиққан, нафақат ташхиснинг кечикиши ёки даволашдаги қийинчиликлар туфайли, «...балки муваффақиятли трансфеноидал аденомэктомия (ТГА) амалиётдан кейин ҳам юзага келадиган қайталанишлар ва ўлим юқори даражаси бўлган касаллик бўлиб қолмоқда...»¹. Трансфеноидал аденомэктомия - АКТГ-БКС нинг танлов давоси ҳисобланади. Амалиётдан кейинги муваффақият даражаси марказлар орасида 42,0 дан 96,6% гача ўзгариб туради. Шунга қарамай, тўпланган далиллар шуни кўрсатдики, амалиётдан кейинги эрта кортизол миқдори паст бўлсада, қайталанишга шубҳа туғилганда ҳамда жаррохлик самарадорлигини аниқлаш учун қўлланиладиган альтернатив тестларни ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Дунё бўйлаб кенг қамровли илмий текширишлар олиб борилиб, трансфеноидал гипофиз аденомэктомияси ўтказган беморларда эрта ва ишончли прогностик маркер сифатида десмопрессин синамасини қўллаш атрофлича муҳокама қилинмоқда. Бир қатор муаллифлар фикрича, касаллик мониторинги даврида десмопрессин парадоксал реакциясининг пайдо бўлиши қайталанишнинг дастлабки кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Десмопрессин синама мусбатлиги, биокимёвий ремиссияда бўлган беморларда неопластик кортикотрофларни мавжудлигини кўрсатадиган муҳим омил сифатида қаралганлигини ҳисобга олиб, жаррохлик амалиётининг эрта босқичида қайталанишни аниқлаш ҳамда касаллик мониторингини самарадорлигини ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли эндокрин тизими билан боғлиқ касалликларни, ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7-майдаги ПФ-4295 сон «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги,

¹ D. A. Vassiliadi and S. Tsagarakis(2018), <https://doi.org/10.1530/EJE-18-0007>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5590–сон фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатор тадқиқотлар касаллик қайталаниши бемор ҳаёт сифатини пасайиши ва асоратлар сабабли ўлим хавфини ошишига сабаб бўлувчи омил эканлигини кўрсатди. Маълумки, транссфеоидал аденомэктомия АКТГ га боғлиқ Кушинг синдромини даволашда “олтин стандарт” бўлиб, унинг натижалари ўсманинг жойлашиши ва турига, нейророжароҳнинг малакаси ва тажрибасига, амалиётгача бўлган муддатнинг давомийлигига боғлиқ бўлади. Pivonello R ва б.нинг (2015) мета таҳлил натижаларига кўра, 1976 - 2014 йиллар давомида олиб борилган 6134 беморни ўз ичига олган АКТГ га боғлиқ Кушинг синдромли ва амалиётдан кейинги муддат 64,3 ойни ташкил қилган 74 та тадқиқотда, касалликни амалиётдан кейинги бирламчи ремиссияси 25%дан 100%гача, ўртача 77,8%ни ташкил қилган. Унга кўра, ремиссия даражаси ўсманинг хажмига, яъни микроаденомаларда 48,7% дан 100% гача, макроаденомаларда 30,8дан 100%гача, инвазивларда-67% гача қайд этилди. Умуман олганда, муаллифлар фикрига кўра, қайталаниш/йилига 13%ни ташкил қилди. Braun L.Т.ва б. (2020) таъкидлашича, касаллик қайталанишининг 50%и амалиётдан кейинги дастлабки 50 ой ичида содир бўлади.

Сўнгги йилларда АКТГга боғлиқ Кушинг синдромини ташхислашда, шунингдек, касаллик қайталанишини эрта аниқлашда десмопрессин синамасини қўллашнинг исботланган асослари мавжуд. Vassiliadi DA [2016] тадқиқоти натижаларига кўра, десмопрессинли синама фониди кортизол мутлақ кўрсаткичи 7,0-7,4 мкг/дл гача ўсишини кўрсатди ва касаллик қайталанишига сезувчанлик 68%ни ташкил қилди. Ambrogio (2017) фикрига кўра, ΔАКТГ ни 27 пг/мл га ўсиши 23 йиллик мониторинг давомида 80% ўзига хосликни кўрсатган бўлса, Le Marc'hadour (2015) таъкидлашича, %ΔАКТГ ни 21% га ошиши 15 йиллик кузатувда 70% сезувчанлик ва 57% ўзига хосликни қайд этди.

Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, десмопрессин синама ёрдамида Ўзбекистон бўйича Кушинг синдроми регистрида қайд этилган транссфеоидал гипофиз аденомэктомияси ўтказган АКТГга боғлиқ Кушинг синдромли беморларда амалиёт самарадорлигини баҳолаш, касаллик қайталанишини аниқлаш, иккинчи босқич даволаш усулларини эрта бошлаш илмий ишнинг зарурияти ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170928355 «Нейроэндокрин тизимини солиштирма ва эрта ташхислашнинг юқори технологик усулларни ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гипофиз кортикотроп аденомаси сабабли беморларда десмопрессин синама қўллаш орқали трансфеноидал гипофиз аденомэктомияси самарадорлигини баҳолаш ҳамда касаллик қайталанишларини башорат қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

АКТГ- БКС қайталанувчи кечишида клиник, гормонал ва визуализацион кўрсаткичлари хусусиятларини баҳолаш;

АКТГ-БКС ли беморларда ТГА дан кейин қайталанишни эрта ташхислашда десмопрессинли синаманинг диагностик ва прогностик қийматини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикасида АКТГ БКС ли беморларни диагностикаси ва даволашда қўлланиладиган усулларини фармако-иктисодий баҳолаш, клиник-иктисодий модел яратиш, даволаш - диагностикага кетадиган ҳаражатларни камайтириш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш;

Жаррохлик амалиётидан кейинги эрта даврда касаллик мониторинги, қайталаниш прогнози ва олдини олиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2003-2020 йиллар давомида академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида рўйхатда турган АКТГ боғлиқ Кушинг синдроми билан хасталанган жаррохлик амалиётини ўтказган 108 нафар бемор танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник-гормонал кўрсаткичлар (АКТГ, қонда ва суткалик сийдикда кортизол), биокимёвий таҳлил натижалари (электролитлар, глюкоза, гликирланган гемоглабин), визуализацион тадқиқотлар (гипофиз беги МРТ контраст билан, буйрак усти беги МСКТ, эхтиёж бўлганда кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи МСКТ), умуртқа поғонаси ва сон суягининг бошчаси ДEXA скан хулосалари ҳамда десмопрессинли синама натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда функционал синама, клиник биокимёвий, гормонал текширувлар, нейровизуализацион ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк марта адренокортикотроп гормонга боғлиқ Кушинг синдромли беморларда десмопрессин синамани қўллаш орқали гипофизда қолдиқ неопластик кортикотрофларни мавжудлиги билан касалликни қайталаниши орасидаги боғлиқлик аниқланган;

десмопрессин синамаси фонида АКТГ ва кортизол кўрсаткичларининг ошиши касаллик қайталанишининг прогностик маркери сифатида исботланган;

десмопрессин фонида олинган жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда анъанавий усул ва десмопрессинли синама натижалари билан таққослаган ҳолда трансфеноидал гипофиз аденомэктомияси самарадорлиги исботланган;

жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда рецидивга олиб келувчи хавф омиллари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда пешоб ва қонда кортизол ҳамда АКТГни баҳолаш мезонлари аниқланган;

АКТГ-БКСли беморлар ҳолатининг мониторингини ўтказиш ва кейинги даволашнинг турли усулларини оқилона қўллаш бўйича қарор қабул қилиш алгоритми таклиф этилган;

жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда ташхисий ёндошувларнинг самарали комбинацияси ва қайталанувчи кечишида комбинациялашган даволашни энг оқилона усулларини танлаб олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасида биринчи марта АКТГ-БКСини эрта ташхислаш ва даволаш яқунлари ҳамда асоратларини башоратлашда десмопрессин синамаси қўлланилган;

жарроҳлик амалиётидан кейинги ташхислашнинг анъанавий усуллари ва десмопрессинли синамани қўллашдаги натижалар қиёсий таҳлили ўтказилган ва Ўзбекистонда уни жорий этиш бўйича зарурий воситаларнинг таннархи баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ҳамда усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бириккинчисини тўлдирадиган функционал тест, клиник, биокимёвий, статистик тадқиқот усуллари асосида АКТГга боғлиқ Кушинг синдроми қайталанишининг клиник-гормонал аспектларини оптималлаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда гипофиз безида ўсма олиб ташлангандан сўнг касаллик қайталанишга таъсир қилувчи хавф омиллари аниқланганлиги ва клиник-биокимёвий кўрсаткичлар мажмуасини ўзгариш мезонлари баҳоланиб, касаллик қайталанишини эрта ташхислаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти АКТГ-БКСли беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда КС қайталанишлар хавфи бўлган беморларни десмопрессинли синама ёрдамида эрта аниқлаш, даволашга

замонавий ёндашувларни, асоратларни ривожланишини олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш, шунингдек беморларни ҳаёт сифатини яхшилашга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Адrenокортикотроп гормонига боғлиқ Кушинг синдроми қайталанишининг клиник-гормонал аспектларини оптималлаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

«Десмопрессин тестини қўллаш билан АКТГ-боғлиқ бўлган Кушинг синдроми қайталанишини башоратлаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 8н-р/153-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома десмопрессинли синама адrenокортикотроп гормонига боғлиқ Кушинг синдроми трансфеноидал гипофиз аденоэктомиясидан кейинги амалиётини самарадорлигини эрта аниқлаш, турғун ремиссия ёки рецидив ҳолатларини баҳолаш имконини берган;

Адrenокортикотроп гормонига боғлиқ Кушинг синдроми қайталанишининг клиник-гормонал аспектларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг эндокринология диспансерларининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш 2020 йил 17 декабрь 8н-з/193-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши адrenокортикотроп гормонига боғлиқ Кушинг синдромли беморларда трансфеноидал гипофиз аденоэктомиясидан кейин десмопрессинли синамани ўтказиш гипофизда қолдиқ неопластик кортикотрофларни мавжудлигини аниқлаш, рецидивга мойиллик қай даражада эканлигини ташхислаш, касалликда жаррохлик амалиётининг самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, ундан кейин адrenокортикотроп ва кортизол гормонларининг организмда ошиши қайта жаррохлик амалиёти, нур даволаш ёки икки томонлама адrenalэктомия тартибини белгилаш ҳамда касалликнинг асоратларни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва ахамияти, ушбу ишга зарурият асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти очиб берилган, тадқиқот илмий натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, уларнинг назарий ва амалий ахамиятлари очиб берилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адренкортикотроп гормонга боғлиқ Кушинг синдромини ташхислашнинг замонавий аспекти**» деб номланган биринчи бобида мавзунинг асосий ахамиятини ёритиб берган замонавий тадқиқотлар ҳамда жаҳон илмий адабиётининг маълумотлари баён этилган. Мазкур бобда Кушинг синдромини тарқалиши, ТГАнинг самарадорлиги, ремиссия ва қайталанишлар мезонларининг тавсифи бўйича маълумотлар келтирилган. Ушбу муаммони илмий ҳал этишга муаллифлик ёндошуви ишлаб чиқилган. АКТГ-БКСни қайталанишини ташхислашда мавжуд бўлган ёндошувларни критик таҳлили ўтказилди ва олиб борилган илмий тадқиқот билан қўйилган муаммо асосланди.

Диссертациянинг «**Аденокортикотроп гормонга боғлиқ Кушинг синдроми ташхислашнинг клиник материаллари ва баҳолаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари, материаллар хажми ва беморларнинг тавсифи, усулларни баҳолаш баён этилган. Диссертацияда АКТГ-БКСли текширилган беморларга умумий тавсиф берилган. Тадқиқотнинг асоси сифатида ЎзР бўйича Кушинг синдромини миллий регистрида бўлган 12 дан 74 ёш оралиғидаги (ўртача ёш $43 \pm 0,75$) АКТГ-БКСли 222 нафар беморларнинг таҳлили (2000 йилдан 2020 –йилнинг апрел ойигача) олинди, ТГА ўтказилган 108 нафар беморларда: 25% эркаклар (27 нафар бемор) ва 75% аёллар (81 нафар бемор) касалликни кечишини ўзига хосликлари ўрганилди, улардан 60 нафар бемор қайталанишни юзага келишини ва қайталанишни белгилашдаги омил сифатида десмопрессинли синама ўтказиш учун танлаб олинди.

Гуруҳга кирувчи мезон: АКТГ-БКСли ТГА ўтказган беморлар

Гуруҳдан истисно қилинувчи: адреналэктомия, нур ёки комбинациялашган даво олган ҳамда ремиссияга эришмаган АКТГ-БКСли беморлар, АКТГ-БКС, АКТГ-ЭКСли беморлар

Ташхис қўйишда 2008 ва 2015 йиллардаги Эндокринологларнинг эндокрин жамияти халқаро клиник тавсияларига асосланildi. Беморларнинг тавсифи 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

ТГА ўтказган беморларни ёш ва жинсга биноан тақсимланиши (n = 108)

Ёш, йил	эркаклар		аёллар		жами	
	абс	%	абс	%	абс	%
Ўсмирлик даври 12-16 ёш	-	-	3	2,8%	3	2,8%
Йигитлик даври 17-21 год	1	0,9%	6	5,6%	7	6,5%
22–29	13	12%	23	21,2%	36	33,2%
30-44	11	10,2%	35	32,4%	46	42,6%
45-59	2	1,9%	14	13%	16	14,9%
60-74	-	-	-	-	-	-
75 ва ундан катта	-	-	-	-	-	-
Жами:	27	25%	81	75%	108	100%

ЎзР бўйича КС регистрининг янгиланган маълумотларига асосан, тадқиқот давомида АКТГ-БКСли 222 бемордан 24,3% (54 нафар бемор) медикаментоз давода, 48,6% (128та) трансфеноидал аденомэктомия, 1,8% (4 нафар бемор) нур терапия, адреналэктомия 14,8% (33) ҳамда 10,3% (23 нафар бемор) комбинирланган терапияда бўлган (2-жадвал).

2-жадвал

АКТГ га боғлиқ Кушинг синдромли беморларни даволаш усулига кўра тақсимланиши

Гуруҳ	Беморлар сони	
	абс.	%
Медикаментоз	54	24,3
ТГА	108	48,6
АЭ	33	14,8
Нур терапия	4	1,8
Комбинирланган (ТАГ+АЭ)	15	6,8
Комбинирланган (ТАГ+ЛТ)	5	2,3
Комбинирланган(АЭ+ЛТ)	3	1,4
Жами	222	100

2015 йилдаги Эндокринологлар Жамиятининг Клиник Амалий тавсияларига ва қатор тадқиқотларга биноан, 60 нафар ремиссия ҳолатидаги бемор танлаб олинди ва 2-гуруҳга ажратилди:

I. Ҳақиқий ремиссия гуруҳидаги (18 нафар бемор) кўрик вақтида ТГА ўтказган беморлар, кортизол даражаси ≤ 138 нмоль/л ни ташкил этганлар.

II. Касаллик қайталаниши гумон қилинган беморлар, жарроҳлик амалиётидан кейинги кортизол даражаси $>138<720$ нмоль/л ни ташкил этганлар.

Меъёрий оғишларни баҳолаш мақсадида III гуруҳ- 10 нафар эркак ва 10 нафар аёл олинган бўлиб, улар ўртача ёши $31,85\pm 10,72$ бўлган 20 нафар соғлом шахслар эди.

Жарроҳлик амалиётидан кейин қўлланилган десмопрессинли синама гипоталамус-гипофиз-буйрак усти бези ўқининг функционал ҳолатини баҳолашда унинг уникал хусусияти бўлган қолдиқ неопластик кортикотрофларни мавжудлигини, яъни қайталаниш ҳавфини юқорилигини аниқлаш имконини беради [Vassiliadi DA, Tsagarakis S., 2018]. Ҳозирги кунга қадар, мамлакатимизда КСли беморларни бирламчи аниқлаш жараёнида ҳам, касаллик оқибати ва ремиссияни баҳолашда ҳам десмопрессинли синама қўлланилмаган. Мазкур синамани ўтказиш учун ССВга қарашли Этик қўмига ҳулосаси ва рухсатидан (2019 йил 8 августдаги №7/50-1210 сонли ҳулоса)сўнг, шунингдек беморларда ушбу синамани ўтказишга инфорацион розилик олингандан кейин Буюк Британиядан 4 мг/мл ли Десмопрессин ацетат инъекцияси буюртма қилинди (F.Ph.Ltd, томонидан ишлаб чиқарилган, Буюк Британия).

Олинган маълумотлар Microsoft Excel ва STATA компьютер дастурлари ёрдамида қайта ишланди. Микдорий кўрсаткичлардаги фарқлар ишончилиги ($n>12$) Вилкоксоннинг боғланмаган диапазонлари усули бўйича аниқланди, кичик танлаб олишларнинг ишончилигини аниқлаш учун ($n>12$) боғлиқ бўлмаган танлаб олишлар учун Фишер компоненти рандомизациясини нопараметрик мезонлари қўлланилди, сифат белгилари учун Фишера-Ирвиннинг аниқ мезонларидан фойдаланилди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларни $P<0,05$ бўлган ҳолда статистик аҳамиятли деб ҳисобланди, корреляцион таҳлил Спирменнинг рангли корреляцияни нопараметрик усуллари қўллаш билан ўтказилди. Танлаб олишнинг кичик ҳажмида нолли гипотезани танлаш учун (ҳар бир танлаб олиш рақами 5 дан 12 гача) мустақил бўлмаган танлаб олишлар учун Фишер компонентининг рандомизациясини нопараметрик мезонлари қўлланилди. Тест усули кузатиладиган белгиларнинг барча комбинациясини ҳаддан ташқари юқори бўлиш фикрига асосланди.

Диссертациянинг «**АКТГ-БКСли ремиссия ҳолатидаги беморларнинг клиник-гормонал ва визуализацион ўзига хосликлари**» деб номланган учинчи боби иккита кичик бўлимдан ташкил топган. Биринчи кичик бўлимда 1 ва 2 гуруҳга кирувчи беморларда АКТГ-боғлиқ Кушинг синдромли беморларни клиник-анамнестик, гормонал ва визуализацион кўрсаткичларини баҳолаш ўтказилган.

Тадқиқот маълумотларига кўра, 2003 йилдан 2020 йил апрел ойига қадар 312 нафар КС ли бемор қайд этилди, улардан 253 нафари АКТГ-БКСли беморлардир. 222(31 бемор вафот этган) бемордан 157 нафари (70,7%) аёллар, 65 нафари (29,2%) эркаклардир.

Беморларнинг биринчи гуруҳини 11 нафар аёллар(61,1%) ва 7 – нафар эркаклар (38,8%)лар, ўртача ёш- $37,22\pm 0,43$ ёш (20 дан 51 ёшгача)бўлган жами 18

нафар беморлар ташкил қилди. Умуман олганда касаллик давомийлиги ўртача $91,33 \pm 2,2$ ой (34 дан 204 ойгача), ташхис қўйилгунча бўлган давр - $62,22 \pm 1,98$ ой (6 дан 143 ойгача), ташхис қўйиш давридаги беморларни ўртача ёши - $35,6 \pm 0,41$ ёш (21 дан 51 ойгача)ни ташкил этди. Жарроҳлик амалиётигача бўлган давр $1,11 \pm 0,01$ ой (1 дан 2 ойгача), жарроҳлик амалиётидан кейинги давр эса - $28,0 \pm 1,07$ ойгача (8 дан 83 ойгача) бўлган муддатни ташкил этди (3-жадвал).

3-жадвал

Текширилаётган гуруҳларнинг клиник-гормонал хусусиятлари (n = 80), M±m


Курсаткичлар	1 гур. (n=18)		2 гур. (n=42)		Назорат гуруҳи (n=20)	P-белги
	A=11	Э=7	A=30	Э=12		
Жинси						
Ёши	37,2 ± 0,43		31,1 ± 0,14		31,85 ± 10,72	
Касаллик давомийлиги	91,33 ± 2,2		68,28 ± 0,71			P1 < 0,1
Ташхис қўйилгунгача бўлган муддат (ой)	62,22 ± 1,98		30,42 ± 0,54			
Ташхис қўйилган вақтдаги бемор ёши	35,6 ± 0,41		28,3 ± 0,14			p1 < 0,1
Операциягача бўлган муддат (ой)	1,11 ± 0,01		5,28 ± 0,16			P1 < 0,1
Операциядан кейинги муддат (ой)	28,1 ± 1,07		33,5 ± 0,58			P1 < 0,5
АКТГ опер.дан олдин (нг/дл)	62,75 ± 0,39		70,05 ± 0,3		21,7 ± 10,13	p1 < 0,1, p2 < 0,001 p3 < 0,05 p4 < 0,005 (1-гуруҳ) p4 < 0,05 (2-гуруҳ)
АКТГ опер.дан кейин (нг/дл)	15,42 ± 0,45		26,7 ± 0,4			p1 < 0,5
Суткалик сийдикда кортизол миқдори опер.дан олдин (нмоль/л)	195,5 ± 2,05		337,47 ± 3,32		154,2 ± 23,38	p1 < 0,5 p2 < 0,1 p3 < 0,01 p4 < 0,001 (1-гуруҳ) p4 < 0,1 (2-гуруҳ)
Суткалик сийдикда кортизол миқдори опер.дан кейин (нмоль/л)	43,47 ± 1,28		131,42 ± 1,74			p1 < 0,05
Қонда кортизол миқдори опер. олдин (нмоль/л)	876,3 ± 4		972,4 ± 4,55		466,8 ± 134	p1 < 0,5 p2 < 0,001 p3 < 0,01 p4 < 0,001 (1-гуруҳ) p4 < 0,05 (2-гуруҳ)
Қонда кортизол миқдори опер.кейин (нмоль/л)	74,23 ± 1,05		432,62 ± 3,5			p1 < 0,05

Изоҳ: P-фарқлар ишончилиги, P1–I ва II гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги, P2 – I гуруҳ ва назорат, P3- II гуруҳ ва назорат, P4- жарроҳлик амалиётидан олдин ва кейин.

I гуруҳ беморларда ТГАдан олдинги даврда гормонал кўрсаткичларнинг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди: АКТГ 49 дан 90 нг/дл чегарасида ўзгариб турди ва назорат гуруҳидаги худди шундай кўрсаткичлардан 2,9 марта ($p \leq 0,001$) юқори бўлиб, ўртача $62,75 \pm 0,39$ нг/дл ташкил қилди. Худди шу каби


тенденция КСМ $-195,5 \pm 2,05$ нмоль/л (диапазони 122 дан 270 нмоль/л гача) концентрацияларда кузатилди.

Амалиётдан кейинги гормонал кўрсаткичлар бўйича ТГА самардорлигини баҳоладик ва қуйидагиларни аниқладик: АКТГ 6,5 дан 43,1 нг/дл чегарасида ўзгариб турди ва ўртача $15,42 \pm 0,45$ нг/дл, КСМ- $43,47 \pm 1,28$ нмоль/л (16 дан 115 нмоль/л гача диапазонда) ва қондаги кортизол $74,23 \pm 1,05$ нмоль/л (36 дан 132 нмоль/л гача диапазонда ўзгариб турди) ташкил қилди. Гормонларнинг жарроҳлик амалиётидан олдинги ва кейинги кўрсаткичларини қиёсий таҳлили АКТГ 4 мартага ишончли аҳамиятли пасайишини ($p \leq 0,005$; 1-расм), базал кортизолни 11,8 мартага ($p \leq 0,0001$, 2-расм) ва КСМ -4,5 марта ($p \leq 0,001$; 3-расм) пасайишини аниқланди. Натижаларни кўрсатишича, энг аҳамиятли бўлиб қондаги базал кортизол даражаси, сўнгра КСМ ва АКТГ бўлди.




1-расм. ТГА дан олдин ва кейин АКТГ миқдори (нг/дл) қиёсий таҳлили, * - $p < 0,01$

Гуруҳлардаги клиник-гормонал кўрсаткичларни таҳлили шуни кўрсатдики, жарроҳлик амалиётидан кейинги қондаги кортизол даражаси < 138 нмоль/л бўлган беморлар касалликни 7,5 йиллик давомийлигига эга, шундан 5 йили КС ташхис қўйилмаган ҳолда бўлган, сўнгра жуда қисқа даврда ТГА ўтказилган (1,1 ой). Бундан ташқари, гормонлар даражаси жарроҳлик амалиётигача бўлган кўрсаткичлар билан солиштирилганда ишончли аҳамиятли пасайди. Демак, АКТГ 4 мартага ($p < 0,005$), КСМ – 4,5 мартага ($p < 0,001$), қондаги кортизол 11,8 мартага ($p < 0,0001$) пасайди, яъни жарроҳлик амалиётидан олдинги даражалар билан солиштириш бўйича барча асосий гормонал мезонларни пасайиши кузатилди, бу эса мазкур гуруҳ беморларида “ремиссия”га эришишни олдиндан белгилаб берди.



2-расм. ТГА дан олдин ва кейин (нмоль/л), қондаги кортизол миқдори қиёсий таҳлили * - $p < 0,01$

Юқори хавф гуруҳ беморларини клиник-гормонал тавсифининг таҳлили натижаларига биноан, 42 нафар бемордан 76,1% (32 нафар)и аёлларни, 23,9% (10 нафар) бемор эркекларни ташкил этди. Ўртача ёш $31,1 \pm 0,14$ ёш (15 дан 54 ёшгача). (13 бет, 3-жадвал).



3-расм. ТГА дан олдин ва кейин (нмоль/л), суткалик сийдикда кортизол миқдори қиёсий таҳлили * - $p < 0,01$

Касалликни давомийлиги $68,28 \pm 0,71$ (12 дан 180 ойгача), ташхис қўйилгунча бўлган муддат– $30,42 \pm 0,54$ (6 дан 108 ойгача), ташхис қўйилгандан кейин касалликни давомийлиги $-39,57 \pm 0,62$ ой (4 дан 132 ойгача), ташхис қўйиш вақтида беморларнинг ўртача ёши - $28,3 \pm 0,14$ ёш (15 дан 49 ёшгача) ташкил этди. Касалликда жарроҳлик амалиётигача бўлган давр давомийлиги $5,28 \pm 0,16$ ой

чегарасида, жарроҳлик амалиётидан кейинги давр давомийлиги – $33,5 \pm 0,58$ ой (3 дан 131 ойгача) чегарасида бўлди. II гуруҳдаги жарроҳлик амалиётигача бўлган даврда гормонал кўрсаткичларни таҳлили (2-жадвал) қуйидагиларни кўрсатди: АКТГ 53 дан 148 нг/дл гача диапазонда ўзгариб турди ва назорат гуруҳидаги худди шундай кўрсаткичлардан 3,2 мартага ортиқ бўлиб, ўртача $70,05 \pm 0,3$ нг/дл ни ташкил этди ($p \leq 0,001$). Худди шу каби тенденция КСМ - $337,47 \pm 3,32$ нмоль/л (125 дан 1010 нмоль/л гача диапазонда) ва қондаги кортизолда $972,4 \pm 4,55$ нмоль/л (680 дан 1720 нмоль/л гача диапазонда) кузатилди, улар назорат гуруҳи билан солиштирилганда 2,18 ва 2 барабар ишончли равишда юқори бўлди ($p < 0,1$ ва $p \leq 0,001$).

II гуруҳдаги беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги гормонлар даражаси қуйидагича бўлди: АКТГ даражаси ўртача $-26,7 \pm 0,4$ нг/дл (3,0 дан 180 нг/дл) ва КСМ - $131,42 \pm 1,74$ нмоль/л (23 дан 240 нмоль/л гача) ни ва қонда кортизол $432,62 \pm 3,5$ нмоль/л (177 дан 710 нмоль/л гача) ни ташкил этди. Гормонларнинг жарроҳлик амалиётидан олдинги ва кейинги кўрсаткичларини қиёсий таҳлили АКТГ ни 2,63 ($p \leq 0,005$), КСМни - 2,56 мартага ($p \leq 0,001$) пасайишини ва базал кортизолни 2,25 мартага ($p \leq 0,001$) ишончли пасайишини аниқлади. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, энг сезгир ва аҳамиятли бўлиб қондаги АКТГ даражаси, сўнгра КСМ ва қонда кортизол ҳисобланди.

Жарроҳлик амалиётигача бўлган вақт давомийлиги 1 гуруҳдаги беморларда 2 гуруҳга нисбатан 4,75 марта қисқа бўлди ($p < 0,1$). Жарроҳлик амалиётигача бўлган даврда 2 гуруҳдаги беморларга солиштирилганда 1 гуруҳдаги беморларда гормонлар даражаси қуйидаги кўринишга эга бўлди: АКТГ 1,12 марта ($p < 0,1$), КСМ - 1,72 марта ($p < 0,5$), қондаги кортизол 1,1 марта ($p < 0,5$) паст бўлди. Яъни иккинчи гуруҳдаги беморларда барча параметрлар, гормонлар бўйича бошиданок сезиларли юқори даражага эга бўлди.

Диссертация 3 бобининг иккинчи кичик бўлимида трансфеноидал гипофиз аденомэктомияси ўтказилган АКТГ-БКСли беморлар таҳлил қилинди. Унга кўра, 128 бемордан 108 (84,4%) нафари монотерапия кўринишида, 20 нафари эса аралаш турда даволанган. Касаллик қайталанишини динамикада таҳлили шуни кўрсатдики, ТГА дан кейинги бирламчи ремиссия даражаси 75,8% (97 бемор) ни ташкил қилиб, 24,2% (31 бемор) ида касаллик қайталаниши кузатилган. Кейинчалик 11 та беморда қайта ТГА амалиёти ўтказилиб, қолган 15 та холатда АЭ хамда 5 та бемор нур терапияга юборилган. 17 йиллик мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, ҳозирги кунгача ТГА ўтказган беморларнинг 41,4% (53 бемор) ида касаллик қайталаниши кузатилди. Улардан 30 нафари айни дамда фаол холатдадир.

Диссертациянинг **тўртинчи бобида** текширилаётган гуруҳларда десмопрессинли синаманинг натижалари келтирилган.

Ҳозирги вақтда жарроҳлик аралашуви самарадорлигини баҳолаш учун замонавий тестларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, жарроҳлик амалиётидан кейинги ташхислаш сифатини ошириш, узоқ муддатли асоратларни башоратлаш ва анъанавий усуллар билан солиштирилганда десмопрессин синамаларни қўллашни клиник (ижтимоий)-иктисодий самарадорлигини аниқлаш билан даволаш тактикаси (нур терапия, медикаментоз, босқичма-

босқич адреналэктомия) алгоритмини ишлаб чиқишни жорий қилиш долзарб бўлиб қолмоқда.

«1 гуруҳ беморларда десмопрессин синамасини ўтказишда қайталанишларни башоратлашни баҳолаш» деб номланган биринчи кичик бобда 1 гуруҳдаги беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта даврда кортизол миқдори $74,23 \pm 1,05$ нмоль/л чегарасида бўлди ва 36 дан 132 нмоль/л чегарасида ўзгариб турди. Синама ўтказилган кунда кортизол даражаси 0 дақиқада $74,75 \pm 2,04$ нмоль/л ни ташкил этди ва назорат гуруҳига нисбатан 6,2 марта паст бўлди ($p \leq 0,0005$) ва кортизолнинг жавоб реакциясини энг юқори даражаси 30 дақиқадан 60 дақиқа оралиғига тўғри келди ҳамда ўртача $97,62 \pm 2,59$ нмоль/л ни ташкил этади, яъни назорат гуруҳига нисбатан 4,9 барабар паст бўлди ($p \leq 0,001$), Δ Корт $22,89 \pm 1,22$ нмоль/л, кортизолни ўсиши - $43,65 \pm 2,19$ нмоль/л, бу назорат гуруҳига нисбатан, мос холда 1,8 ва 10,6 марта юқори демакдир ($p \leq 0,005$).

0 дақиқада АКТГ даражаси $13,69 \pm 0,52$ нг/дл ни ташкил этди ва АКТГнинг 30 дақиқадан 60 дақиқа вақт оралиғидаги энг юқори даражаси - $15,81 \pm 0,5$ нг/дл га тўғри келди ва мазкур кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан 1,5 марта паст бўлди ($p \leq 0,5$). Бундан ташқари, Δ АКТГ ($2,11 \pm 0,09$ нг/дл) ҳам, АКТГ ($32,05 \pm 1,39$ нг/дл)нинг ўсиши ҳам, назорат гуруҳига нисбатан мос холда 1,17 ва 3,89 марта ($p \leq 0,5$) юқори бўлди.

«Юқори хавф гуруҳидаги текширилган беморларда десмопрессинли синама натижалари» деб номланган иккинчи кичик бобида:

2 гуруҳ беморларидаги ($n=42$) жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта давр кортизоли ўртача $432,62 \pm 3,5$ нмоль/л ни ташкил этди ва 177 дан 710 нмоль/л гача ўзгариб турди. Синама ўтказилган кунда базал кортизолнинг ўртача белгиси 0 дақиқада $167,48 \pm 2,35$ нмоль/л ни ташкил этди ва назорат гуруҳига нисбатан 2,7 марта паст бўлди ($37,1$ дан $500,4$ нмоль/л гача; $p \leq 0,0001$). Шунингдек кортизолнинг энг юқори даражаси 30 ва 60 дақиқа оралиғига тўғри келди ва $254,7 \pm 2,88$ нмоль/л ни ташкил этди, яъни назорат гуруҳига нисбатан 1,9 марта паст демакдир ($65,2$ дан $791,1$ гача; $p \leq 0,001$). Δ Корт (кортизол – кортизол нинг энг юқори даражаси 0) $89,6 \pm 1,52$ нмоль/л, яъни 4,65 марта юқори ($4,2$ дан $359,7$ нмоль/л гача; $p \leq 0,05$), кортизол фоизини ўсиши (Δ Корт- кортизол $0 * 100\%$) $79,49 \pm 1,58$ нмоль/л, яъни назорат гуруҳига нисбатан 19,3 марта юқори демакдир ($p \leq 0,05$)

0 дақиқада АКТГ даражаси $-37,4 \pm 0,58$ нг/дл ни ташкил этди, яъни назорат гуруҳига нисбатан 1,7 марта юқори ($p \leq 0,05$), 30 ва 60 дақиқа ўртасидаги АКТГнинг энг юқори кўрсаткичи $-66,2 \pm 1,0$ нг/дл чегарасида бўлди, яъни назорат гуруҳига нисбатан 2,8 марта юқори ($p \leq 0,0005$), Δ АКТГ $29,4 \pm 0,56$ нг/дл, яъни назорат гуруҳига нисбатан 16,5 марта юқори ($p \leq 0,01$), АКТГ ни ўсиши $-97,9 \pm 1,59$, яъни назорат гуруҳига нисбатан 11,8 марта юқори ($P < 0,01$) натижаларга эга бўлди.

«Десмопрессин синамасида АКТГ ва кортизолнинг гуруҳлараро қиёсий кўрсаткичлари» деб номланган учинчи кичик бобида текширилган гуруҳлар кўрсатдики, 2 гуруҳ беморларидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта кортизолнинг даражаси биринчи гуруҳга нисбатан бошиданок 5,28 марта

юқори бўлди ($p \leq 0,005$) ва десмопрессин билан синама ўтказиш кунда бу фарқ биринчи гуруҳ билан солиштирилганда 2,24 мартани ташкил этди ($p < 0,5$), яъни вақт ўтиши билан базал кортизолнинг ортиш даражаси энг кичик даражага етди ва биринчи гуруҳда ўртача 74,75 нмоль/л ни ҳамда иккинчи гуруҳда 167,48 нмоль/л ни ташкил этди ($p < 0,1$). Шунини таъкидлаш лозимки, ҳар икки гуруҳда десмопрессин фонида кортизолни энг юқори миқдорда ажралиб чиқиши 30 ва 60 дақиқалар орасига тўғри келди ва 2,6 марта фарқ қилиши билан мос холда 97,62 нмоль/л ва 254,7 нмоль/л ни ташкил этди ($p \leq 0,05$), иккинчи гуруҳдаги беморларнинг Δ Кортизол 3,9 марта юқори бўлди ва 22,89 га қарши 89,6 ни ташкил этди ($p \leq 0,1$), ўсиш фоизи эса иккинчи гуруҳ беморларида 1,8 мартага ортиқ бўлди (иккинчи гуруҳда 79,49% ва биринчи гуруҳда 43,65% - га тенг бўлди)

АКТГ даражасини ўзгаришида бир қадар бошқача кўриниш намоён бўлди. Биринчи гуруҳ ва назорат гуруҳи беморларида бошиданок АКТГнинг даражаси меъёр даражасида бўлди, аммо 2 гуруҳда биринчи гуруҳга нисбатан 2,73 марта аҳамиятли юқори бўлди ($p \leq 0,1$). АКТГнинг энг юқори белгилари 30 ва 60 дақиқалар оралиғида кузатилди ва 4,2 марта юқори бўлди, ($p \leq 0,01$) Δ АКТГ 13,9 мартага ортиқ бўлди ($p \leq 0,01$), иккинчи гуруҳда АКТГнинг фоизи 3 мартага ўсди ($P < 0,05$). 1 гуруҳдаги АКТГнинг ўсиш коэффициенти $32,05 \pm 1,39\%$ ва кортизолники $-43,65 \pm 2,19\%$ ни, шунга қарши иккинчи гуруҳдаги $97,9 \pm 1,59\%$ ва $79,49 \pm 1,58\%$ га мос холда ташкил этди.

Шунини таъкидлаш лозимки, ремиссияда бўлган беморлар гуруҳида, 2 нафар беморда (11,1%) ДС фонида АКТГ даражаси қонда кортизол даражасини (ўртача $155,15 \pm 29,27$ нмоль/л) мос холда оширишга олиб келувчи сезиларли даражада ошди (ўртача $3,72 \pm 1,44$ нг/дл). Бунда АКТГни ажралишини энг юқори даражаси юзага келди ва 30¹ ҳамда 60¹ да бир хил миқдорда ушлаб турилди. Синама натижаларининг кўрсатишича, I гуруҳдаги кортизол ва АКТГнинг ўртача кўрсаткичлари гарчи аҳамиятсиз ишончли бўлса ҳам ($p > 0,05$) назорат гуруҳидан фарқ қилди. Бунда десмопрессинга бўлган аҳамиятли реакция жавоби қайд этилди, у назорат гуруҳига нисбатан 3,9 марта юқори бўлди. Кортизолнинг жавоб реакцияси эса энг юқори нуқталарга эга бўлмади ва эгри чизик остидаги бир хил майдон билан деярли бир хил даражада бўлди.

1 гуруҳ беморларида десмопрессинли синамани ўтказиш жараёнида АКТГнинг даражаси ишончли ўзгаришга учрамади ($p > 0,05$), бу вақтда эса 2 гуруҳ беморларида синаманинг 30 дақиқасида 2 гуруҳда қонда АКТГнинг даражасини ишончли ортиши қайд этилди ($p < 0,05$). 1 гуруҳ беморларда десмопрессинли синама ўтказиш жараёнида кортизол даражаси 30 ва 60 дақиқаларда ишончсиз ошди ($p > 0,05$), шу билан бир вақтда 2 гуруҳ беморларида синаманинг 30 ва 60 дақиқаларида қонда кортизол даражасининг ишончли ортиши қайд этилди ($p < 0,05$). Шундай қилиб, десмопрессин билан синама ўтказиш жараёнида АКТГ ва кортизол даражаси 2 -гуруҳ беморларида ишончли равишда ошди.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўладики, десмопрессинли синама ТГА ўтказилгандан кейин субклиник кушингоидли ёки касалликнинг шубҳали

